



Мен етти аъзоим билан сажда қилишга буюрилдим. Улар

Ибн Аббос разияллоҳу анхұмодан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен етти аъзоим билан сажда қилишга буюрилдим. Улар: пешона, бурун(га ишорат қилдилар), икки кафт, икки тизза ва икки оёқнинг бармоқлари (остки қисми). Кийимлар ва сочни ўз ҳолига қўямиз», – дедилар».

[Тўғри матн] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарини жисмининг етти аъзоси билан сажда қилишга буюрганини баёнладилар. Улар: Биринчиси: пешона – юзнинг кўз ва бурун устидаги қисми. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўллари билан бурунларига ишора қилган ҳолда бурун ҳам пешонанинг ҳукмини олишини баёнладилар. Сажда қилган одам бурни ерга тегиши кераклигини таъкидладилар. Иккинчи ва учинчи аъзо: икки қўл. Тўртинчи ва бешинчи: икки тизза. Олтинчи ва еттинчи: оёқнинг бармоқлари. Сочларимизни боғламасликка ва кийимларимизни сажда вақтида бирини иккинчисининг устига жамламасликка буюрдилар. Балки ерга тушиб туриши учун бўш қўямиз ва аъзолар билан сажда қиласиз.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/10925>